

Ёввойи ҳайвонларнинг айрим турларига нисбатан ов қилиш учун тақиқ белгиланганлиги

Наличие установленных запретов на охоту в отношении некоторых видов диких животных;

Presence of established bans on hunting for certain species of wild animals;

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 8 июлдаги “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги 627-сон Қонунига асосан ёввойи ҳайвонларга ов қилиш фақатгина Фанлар академиясининг ижобий хулосаси ва Давлат экология қўмитасининг рухсатномасига асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб бораётган ёввойи ҳайвонлар турларини табиий яшаш муҳитидан ажратиб олишга юқоридаги Қонунининг қоидаларига мувофиқ алоҳида тартибда, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси инobatга олинган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Давлат экология қўмитаси томонидан бериладиган рухсатнома бўйича йўл қўйилиши мумкин.

Ёввойи ҳайвонларнинг айрим турларига нисбатан ов қилиш учун қонун ва қонун ости ҳужжатларида тақиқ белгиланмаган. Аммо, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб бораётган турлар орасидаги қуйида жадвалда келтирилган ҳайвонлар алоҳида муҳофазага олинган. Бу каби ҳайвонларга Фанлар академияси томонидан бугунги кунга қадар квота ажратилмаган ва Давлат экология қўмитаси томонидан рухсатнома расмийлаштирилмаган.

Сутэмизувчилар	Қушлар
Қоплон, тарғил сиртлон, тоғ қоплони, Ўрта Осиё қундузи, Туркистон силовсини, қорақулоқ, асалхўр, Мензбир суғури, манул (ёввойи мушук), сахро мушуги, қарсоқ, олақўзан, сариқ сассиққузан	Қийқирдоқ ва вишилдоқ оққушлар, пушти ва жингалак соқоқушлар, тоғ қалхати (қумой), қора лайлак, сувқийғир (скопа), узун думли ва оқ думли сувбургутлари, оқ турна, кичик бургут, қиронқора, болтаютар, бургут, қирғий бургут, илонхўр бургут, катта олачипор бургут, оқбош ўрдак, қизилтомоқ ғоз, кичик оққўтон, қизилғоз (фламинго), оқ пешанали кичик ғоз, сариқ қўтон (қарқара), бизғалдоқ, Оқ лайлак, қоровой, қошиқбурун, тасқара, оқ бошли қумой, чўл бўқтаргиси, чўл

	бургути, чўл миқкийси, қорабош балиқчи, чўл жиқтоғи, тарғоқ, кичик узунбурун, Осиё моки лойхўраги, оқбовур.
--	---